

Кассация инстанциясида
маърузачи: судья Н.Расулов

Биринчи инстанция судининг
судьяси: О.Мамажонов

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2019 йил июнь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раис ўринбосари А.Мирзаев, судлов ҳайъати судьялари У.Каримов, Н.Расуловдан иборат таркибда, С.Юсуповнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Атаханов, судланган Б.Х ва унинг ҳимоячиси О.Мнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг процессуал чикимни ундирувига оид чиқарилган ажримга судланган Б.Х томонидан кассация тартибида келтирилган хусусий шикоятга асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2018 йил 28 майдаги ЖПКнинг 541-моддаси тартибида чиқарилган ажримга кўра, шу суднинг 2017 йил 8 сентябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 1-қисми билан судланган Б.Хдан экстрадиция ҳаражати 11.734.146 сўм пуллар давлат фойдасига ундирилиши белгиланган.

Судланган Б.Х хусусий шикоятда, ўзига нисбатан қидирув эълон қилинганидан хабар топиб Ўзбекистон Республикаси ихтиёри билан келаётган бўлгани, жазо муддатини ўтаб бўлгани, оилавий шароити оғирлигини, ажримдаги суммани тўлашга имкони йўқлигини кўрсатиб, суд ажримини бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Расуловнинг маърузасини, судланган Б.Х ва унинг ҳимоячиси О.Мнинг хусусий шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, прокурор ёрдамчиси Ш.Атахановнинг шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, хусусий шикоятни қаноатлантирмасдан, ажримни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган Б.Х кассация инстанция судида, ўзига нисбатан қидирув эълон қилинганидан хабар топиб ихтиёри билан келаётганида Қозоғистон Республикаси чегарачилари томонидан ушлангани, шу тариқа бир неча ойда Ўзбекистон Республикасига ИИБ ходимлари томонидан олиб келингани, жазо муддатини ўтаб бўлгани, удирилиши белгиланган экстрадиция ҳаражати

11.734.146 сўм пулларни тўлашга имкони йўқлиги, оилавий шароити² оғирлигини инобатга олиб, ажримни бекор қилишни сўраб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 318-моддаси 1-қисми 7-бандида шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлар процессуал чиқимлар ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори 5-бандида судлар ҳар бир жиноят ишини ўз иш юритувига олиш пайтида дастлабки тергов органлари томонидан ЖПК 380-моддаси биринчи қисмининг айблов хулосасига процессуал чиқимлар тури ва миқдорига доир маълумотнома илова қилиниши тўғрисидаги талаби бажарилганлигини текширишлари, 6-бандида ЖПК 471-моддаси 3-бандига кўра, процессуал чиқимларга доир масала ҳукм (ажрим) чиқариш пайтида ҳал этилмаган ҳолларда, бу масала ҳукм (ажрим) чиқарган суд томонидан ЖПК 541-моддаси тартибида ҳал қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Андижон вилоят ИИБ Молия-иқтисод бўлими томонидан берилган маълумотномага кўра, судланган Б.Хни Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига экстрадация қилиб олиб келишда 11.734.140 сўм харажат қилингани кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди, экстрадация харажатни судланган Б.Хдан ундиришни белгилаб тўғри хулосага келганлиги сабабли судланган Б.Хнинг хусусий шикоятдаги ихтиёри билан Ўзбекистон Республикасига келмоқчи бўлгани, процессуал чиқимни тўлашга имкони йўқлиги ҳақидаги вазлари билан судлов ҳайъати келишмади.

Шунга кўра, судлов ҳайъати судланган Б.Хга нисбатан чиқарилган суд ажримини ўзгаришсиз, хусусий шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2018 йил 28 майдаги [REDACTED] дан процессуал чиқимни ундиришга оид ЖПКнинг 541-моддаси тартибидаги ажрими ўзгаришсиз, хусусий шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

А.Мирзаев

Ҳайъат судьялари

У.Каримов

Н.Расулов

